

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАНЛАР  
АКАДЕМИЯСИ МИНТАҚАВИЙ БЎЛИМИ  
ХОРАЗМ МАЪМУН АКАДЕМИЯСИ**

**ХОРАЗМ МАЪМУН  
АКАДЕМИЯСИ  
АХБОРОТНОМАСИ**

Ахборотнома ОАК Раёсатининг 2016-йил 29-декабрдаги 223/4-сон қарори билан биология, қишлоқ хўжалиги, тарих, иқтисодиёт, филология ва архитектура фанлари бўйича докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрлар рўйхатига киритилган

**2020-9**

**Вестник Хорезмской академии Маъмуна  
Издается с 2006 года**

**Бош муҳаррир:**

*Абдуллаев Икрам Искандарович, б.ф.д., проф.*

**Бош муҳаррир ўринбосари:**

*Ҳасанов Шодлик Бекпўлатович, к.ф.н., к.и.х.*

**Тахрир хайати:**

*Абдуллаев Икрам Искандарович, б.ф.д., проф.*

*Абдуллаев Баҳром Исмоилович, ф-м.ф.д.*

*Абдуллаев Равшан Бабажонович, тиб.ф.д., проф.*

*Абдуҳалимов Баҳром Абдурахимович, т.ф.д., проф.*

*Аимбетов Нагмет Каллиевич, и.ф.д., акад.*

*Бабаджанов Хушнот, ф.ф.н., проф.*

*Давлетов Санжар Ражабович, тар.ф.д.*

*Дурдиева Гавҳар Салаевна, арх.ф.д.*

*Дўсчанов Бахтиёр, тиб.ф.д., проф.*

*Ибрагимов Бахтиёр Тўлаганович, к.ф.д., акад.*

*Қодиров Шавкат Юлдашевич, қ/х.ф.н.*

*Ламерс Жон, қ/х.ф.д., проф.*

*Майкл С. Энжел, б.ф.д., проф.*

*Мирзаев Сирожиддин Зайниевич, ф-м.ф.д., проф.*

*Рахимов Рахим Атажанович, т.ф.д., проф.*

*Рўзибоев Рашид Юсупович, тиб.ф.д., проф.*

*Рўзимбоев Сапарбой, ф.ф.д., проф.*

*Рўзметов Бахтияр, и.ф.д., проф.*

*Садуллаев Азимбой, ф-м.ф.д., акад.*

*Салаев Санъатбек Комилович, и.ф.д., проф.*

*Сирожов Ойбек Очилевич, фал.ф.д., проф.*

*Сотипов Гойипназар, қ/х.ф.д., проф.*

*Тожибаев Комилжон Шаробитдинович, б.ф.д., академик*

*Холматов Бахтиёр Рустамович, б.ф.д.*

*Чўпонов Отаназар Отожонович, ф.ф.д., доц.*

*Шакарбоев Эркин Бердикулович, б.ф.д., проф.*

*Эшчанов Рузумбой Абдуллаевич, б.ф.д., доц.*

*Ўразбоев Ғайрат Ўразалиевич, ф-м.ф.д.*

*Ўрозбоев Абдулла Дурдиевич, ф.ф.д.*

*Ҳажиева Мақсуда Султоновна, фал.ф.д.*

*Ҳасанов Шодлик Бекпўлатович, к.ф.н., к.и.х.*

Хоразм Маъмун академияси ахборотномаси: илмий журнал.-№9(66), Хоразм Маъмун академияси, 2020 й. – 278 б. – Босма нашрнинг электрон варианты - <http://mamun.uz/uz/page/56>

ISSN 2091-573 X

Муассис: Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси минтақавий бўлими – Хоразм Маъмун академияси

© Хоразм Маъмун академияси ноширлик бўлими, 2020

<b>Н.Э. Кахарова</b> Аутсорсинг: мировая практика как пример для развивающихся стран .....	94
<b>Маткаримова С.М.</b> Гастрономия туризмини ривожлантиришда миллий таомларнинг ва овқатланиш анъаналарининг ўрни .....	96
<b>Мирзаев А.Т.</b> Туристик-рекреация фаолиятини бошқаришда электрон резервлаш тизимидан фойдаланиш афзалликлари .....	99
<b>Мухитдинова К.А.</b> Автомобиль транспорти корхоналарининг инвестицион фаолияти самарадорлигини таъминлашнинг иқтисодий асослари .....	104
<b>Рахимова М.</b> Минтақа экологик-иқтисодий тизимларини самарадорлигини ошириш омиллари .....	107
<b>Рузметов Ш.Б., Абдуллаев Х., Юсубов И.И.</b> Место цифровой экономики в социально-экономическом развитии .....	109
<b>Тажибоев К.</b> Мева-сабзавотчиликка асосланган агрокластерларни ташкил этиш ва унинг иқтисодий самарадорлиги .....	112
<b>Халмуратов Қ.П.</b> Минтақада хизмат кўрсатиш соҳасида давлат-хусусий шерикчилигини такомиллаштириш йўллари .....	116
<b>Худайберганава С.К.</b> Янги тахрирдаги солиқ кодексида имтиёзларнинг белгиланиши .....	119
<b>Қодирова Д.С.</b> Ўзбекистонда туризм соҳасини ривожлантиришнинг зарурий хусусиятлари .....	121

#### ТАРИХ ФАҢЛАРИ

<b>Бурхонов И.М.</b> Асомиддин Ўринбоевнинг илмий фаолияти тарихидан .....	124
<b>Маткаримова С.М.</b> Поверья, связанные с инжиром и гранатом и их плодами .....	126
<b>Маткаримова С.М.</b> Приметы и поверия связанные с джиддой, унаби и илиштирик .....	128
<b>Маткаримова Н.М.</b> Хоразм воҳаси никоҳ тўйи маросимларидаги кийим-кечаклар ва нарса-буюмлар билан боғлиқ инончлар .....	131
<b>Маткаримова С.М.</b> XX аср тарихшунослигида Хоразм воҳаси аҳолисининг таомлари ва озиқ-овқатлари масаласининг ёритилиши .....	133
<b>Матчонова Б.И.</b> Кураш спорт турининг миллий қадриятларимиз билан боғлиқлигини ўрганишнинг этнографик жиҳатлари .....	135
<b>Расулова Р.А.</b> Туркистон ижтимоий-сиёсий, маданий-маърифий бошқарув тизимида татарлар .....	138
<b>Саитқасимов А.</b> Марказий осий алломалари илмий қарашларида инсон ва жамият муносабатлари таҳлили .....	143
<b>Хатамова З.Н.</b> Южин Скайлернинг “Туркистон” асарини Кўкон хонлиги солиқ тизимини ўрганишдаги аҳамияти .....	146
<b>Эшмуродов М.</b> Баёнийнинг тарихий асарлари .....	148

#### ФИЛОЛОГИЯ ФАҢЛАРИ

<b>Bekmuratova Sh.A.</b> Nemis tilida juft so'zlarning kelib chiqish tarixi .....	150
<b>Elmuradova G.K.</b> The notion of text in pragmalinguistics .....	152
<b>Ganixanova M.B.</b> Features of formation of media competence of technical university students in the process of teaching a foreign language .....	155
<b>Khamraeva N.Kh.</b> Current research in sociolinguistics .....	156
<b>Mo'minova O.</b> Chet tili darslarida pedagogik texnologiyalardan foydalanishning ahamiyati .....	158
<b>Norbekova F.S.</b> Ingliz tilida hazil-mutoyiba gaplarning tarjima usullari va undagi qiyinchiliklar ..	160
<b>Rustamova G.B.</b> O'zbek xalq marosim va udumlarida daraxtlar bilan bog'liq e'tiqodiy qarashlar ..	162
<b>Saparova K.O.</b> To the question of the relationship of phonostilistic means and phonostilistic units ..	165
<b>Valieva H.S.</b> Modern educational technologies in the teaching foreign language .....	167
<b>Yusupova N.N.</b> Organization of independent work of students at the university .....	169
<b>Гафурова Д.Х.</b> Обучение речевому общению на русском языке .....	171
<b>Джураева С.Б.</b> Языковые особенности переводных эквивалентов лексемы «дил» («сердце») в произведении «Та`рихи табари» .....	174
<b>Имамова З.Т.</b> Техника таълим йўналишида талабаларга француз тилини ўқитиш методикаси .....	177
<b>Мухаммедова Х.</b> Викториа даври адабиётида ижтимоий роман жанри типлари .....	178
<b>Носирова С.А.</b> О генезисе общественно-политических терминов в китайском языке .....	180
<b>Розикова Г.</b> Махмуд Кошғарий “Девон”ида қўлланган тиббиётга доир сўз ва атамаларнинг лексик-семантик таҳлили .....	187
<b>Сулаймонова Д.А.</b> Техник олий таълим муассасалари талабаларнинг рус тилини ўрганишда лексик компетенциясини ошириш усуллари .....	191
<b>Тўраева Д.Д.</b> Ўзбек болалар адабиётининг ривожланишида халқ оғзаки ижодининг ўрни .....	196
<b>Турсунова О.С.</b> Оғзаки нутқ малакаларини ривожлантиришда интерактив .....	199

qilinadigan matn. Shuning uchun, tarjima asl holidek chiqmaydi, so'zlar o'zgaradi, grammatik struktura o'zgaradi, ammo TLdagi o'quvchi matnni o'z madaniyati doirasida tushuna oladi. Tarjimada originallikka intilsada, to'laligicha asliyatni saqlab qolib bo'lmaydi. Nidaning fikriga ko'ra, dinamik ekvivalentlik romanlarni tarjima qilishda qo'l keladi, chunki romanda asliyatni saqlab qolish unchalik muhim emas, ammo diplomatik matnlarda, asliyatning saqlanishi maqsadga muvofiq bo'ladi.

Quyidagi hazillar Povel qalamiga mansub "Mechanisms of Humour, by Raskin and Humour in Society," kitobidan olingan.

*"Did you hear about the Irish who took a ruler to bed so he could tell how long he had slept?"*

Bu hazilda bemalol so'zma so'z tarjimadan foydalansak bo'ladi, chunki bu yerda yashirin ma'no yoki madaniy doiraga oid ma'no yashirinmagan.

*Uxlashdan oldin qancha uxlaganini o'lchash uchun o'zi bilan chizg'ichni olib uxlagan Irland haqida eshitdingmi?*

*"How do you make a Scotsman mute and deaf? By asking him to contribute to a charity".* Mana bu gap esa o'zbek tiliga tarjima qilinganda yumoristik bo'yoqdorlik yo'qoladi, chunki bizning jamiyatimizda hayriya qilish ijobiy va jiddiy ma'noda hazil doirasida ishlatilmaydigan mavzu bo'lganligi bois.

*Bir shotlandni chakagini yopish uchun nima qilish kerak? Undan hayriya uchun pul so'ra.*

Xulosa qilib aytganda, hazilni tarjima qilishda muvaffaqiyatga erishish uchun tarjimon uch xil ko'nikmalarga ega bo'lishi kerak: kommunikativ, ijodiy va madaniy ko'nikmalar. Tarjimon hech bo'lmaganda tarjimada qatnashadigan madaniyatlar haqida biron bir tushunchaga ega bo'lishi, ehtimol tarjimada o'zining ijodiy qobiliyatlaridan foydalanishi kerak.

#### FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR RO'YXATI:

1. Khalida Hamid Tisgam Translating Cultural Humour: Theory and Practice
2. Judit Garcia Barros "The translation of humour in English comedy series"103698- Treball de Fi de Grau Grau en Traducció i Interpretació Curs acadèmic 2014-2015
3. Чан Тхань Тунг О переводимости русских юмористических текстов на фоне вьетнамской лингвокультуры; Кафедра русского языка и методики его преподавания Российский университет дружбы народов
4. Trajan Shipley Young Toward a humor translation checklist for students of translation, 17, 2007, pp 981-988

UO'K 398.89

### O'ZBEK XALQ MAROSIM VA UDUMLARIDA DARAXTLAR BILAN BOG'LIQ E'TIQODIY QARASHLAR

*G.B. Rustamova, o'qituvchi, Buxoro davlat universiteti, Buxoro*

**Annotasiya.** Ushbu maqolada o'zbek folklorida daraxtlar kulti, daraxtlar bilan bog'liq totemistik qarashlar hamda ularning o'zbek xalqining ko'p asrlik an'analari, udum va marosimlarida, shuningdek, ushbu marosimlarning ajralmas qismi bo'lgan xalq qo'shiqlarida qay darajada o'z aksini topganligi ilmiy jihatdan asoslangan.

**Kalit so'zlar:** daraxtlar, marosim, kult, evrilish, qora tol, beshik, tobut, hassa, "hayot daraxti", baxshi, tut daraxti

**Аннотация.** В этой статье обсуждается культ деревьев в узбекском фольклоре, тотемистические взгляды на деревья и их распространение в многовековых традициях, обычаях и обрядах узбекского народа, а также в народных песнях, которые являются неотъемлемой частью этих церемоний.

**Ключевые слова:** деревья, церемония, эволюция, черная ива, колыбель, гроб, трость, «дерево жизни»

**Abstract.** This article discusses the cult of trees in Uzbek folklore, totemistic views on trees and their extent in the centuries-old traditions, customs and rituals of the Uzbek people, as well as in folk songs, which are an integral part of these ceremonies.

**Keywords:** trees, ceremony, evolution, black willow, cradle, coffin, cane, "tree of life".

**Tadqiqotning obykti.** O'zbek xalqiga xos an'ana va marosimlari hamda ularning ajralmas qismi bo'lgan xalq qo'shiqlari.

**Tadqiqotning predmeti.** O'zbek marosim va udumlarida daraxtlarga e'tiqod izlarini o'rganib, uning tarixiy-mifologik ildizlarini yoritish orqali yosh avlodni milliy qadriyatlarga hurmat ruhida tarbiyalash.

**Tadqiqotning usullari.** Maqolada daraxtlarga e'tiqod bilan bog'liq tushunchalarning kelib chiqishi, o'ziga xos badiiy talqin etilishi, ramziy-timsoliy obrazlantirilishi tarixiy-qiyosiy metod asosida ilmiy tadqiq etilgan.

Inson tabiatning tarkibiy qismi sifatida vujudga kelgan va rivojlangan. Shu sababli insoniyatning eng qadimiy an'analari, marosim va bayramlari ham bevosita tabiat, undagi o'zgarishlar, yil fasllari va mehnat jarayoni bilan uzviy bog'liq bo'lgan.

Qadim zamonlardan buyon dehqonchilik madaniyati yuksak darajada taraqqiy etgan mamlakatimizda tabiatning boqiyiligini ulug'lash va o'simliklar kulti bilan aloqador ko'pgina an'analari vujudga kelgan. Hayot daraxti haqidagi mifologik qarashlar zamirida ham tabiatning boqiyiligi to'g'risidagi ibtidoiy inonchlar yotadi. Ajdodlarimiz kuzda o'z yaproqlaridan judo bo'lgan dov-daraxtlarning erta ko'klamda yana barg yozishi, shuningdek, bahor kelishi bilan dala-qirlarning o't-o'lanlar, gul-chechaklar ila qoplanishida tabiatning ramziy ma'nodagi o'lib-tirilishi timsolini ko'rganlar. Tabiatning ko'klamgi uyg'onishi haqidagi mifologik qarashlar o'simliklarni, daraxtlarni timsollashtirishga asoslangan agrar kultlar va magik xarakterdagi ramziy harakatlar tizimidan iborat rituellarning yuzaga kelishiga zamin hozirlagan.

Qadimgi insonning daraxtlarni o'zi bilan qondosh, ruhan yaqin deb o'ylashi, insonning ruhi tug'ilganicha ham, o'lganidan keyin ham daraxtda bo'ladi deya tushunishi, inson joni ruh bo'lib bir ko'rinishdan boshqasiga (jumladan, hayvonmi, daraxtmi yoki biror o'simlik ko'rinishiga) evriladi deb qarashi daraxt va o'simliklar olami bilan ham bog'liq e'tiqodning shakllanishiga olib kelgan. Shu e'tiqodning izlari tug'ilish hamda o'lim yuz berishi munosabati bilan o'tkaziladigan marosimlarda sezilarli darajada saqlanib qolgan. Binobarin, bola tug'lganda uni qora tol, tut yoki boshqa mevali daraxtlardan tayyorlangan beshikda yotqizish yoki dunyoga kelgan o'g'il chaqaloq nomiga terak ekish va bola bilan teng o'sib-ulg'aygan shu terakni unga atab qurilgan imoratga ishlatish, shuningdek, inson vafot etganda uni qora toldan yasalgan yog'och tobutga solib, dafn qilish uchun ko'tarib ketish, tobut oldida daraxt tanasidan hassa tutib turish, mayit qabrga qo'yilib, ustidan tuproq tortilgach, hassakashlarning o'z hassalarini qabr boshiga yoki atrofiga suqib qaytishi odatlarida daraxt bilan bog'liq e'tiqod yaqqol ko'zga tashlanadi.

Xalqimizning urf-odat va marosimlarida qo'llanib, e'tiqodiy qarashlarni o'ziga singdirgan bu kabi predmetlar folklor asarlarida ko'pincha ramziy ma'no-mazmunda talqin etilishi kuzatiladi. Shu orqali ularning inson hayoti bilan bog'liqligi haqida avlodlardan-avlodlarga o'ziga xos usulda xabar qoldirilgan.

Xalqimiz qadim zamonlardan beri beshikning qanaqa daraxtdan yasaliishiga alohida e'tibor bergan. O'tmishda beshikni, asosan, tut, o'rik, olma, qaroli, yong'oq kabi mevali daraxtlardan yasaganlar. Beshikning mevali daraxt tanasidan yasaliishida insonning sermeva – ko'p farzandli bo'lishiga oid istak ramzan nazarda tutilgan. Hozir ham beshiksozlar bunga qisman amal qilishadi. Lekin hozir beshikni bola tolday sersoya bo'lsin deb toldan, yana xushqomat bo'lsin deb arg'uvon va qarag'ay daraxtlaridan ham yasashadi, chunki odamlar mevali daraxtlarni kesishni uvul bilishadi. Lekin baribir beshikning ikkita dastcho'basini va yug'isini mevali daraxtdan yasaydilar. Toshkentlik beshiksozlar beshikning yug'i va gardishlarini tutdan yasashadi. Bu kabi an'analari bolalar folklorida ham o'z ifodasini topgan:

O'rik yog'och beshiging, alla,  
O'rgilib ketsin onang, alla,  
Tut yog'ochdan beshiging, alla,  
Termulib o'tsin onang, alla[2, B.13].

Bu alla matnida bola beshigi poetik ta'riflanar ekan, uning qanday daraxtdan yasalganligiga alohida e'tibor berilganini qayd etish lozim. Axir beshik – go'dakning uyi-da, u shu beshikdagina orom olishi, shunday paytlarda esa, ona o'z yumushlarini amalga oshirishi mumkin.

Beshik poetik ta'rifida u yasalgan daraxt turiga ishora alohida o'rin tutadi.

Qarolidan beshigi, qayrilib oling, dadasi.  
Zardolidan beshigi, zar to'kib oling, dadasi.  
Olmadandir beshigi, olqishlab olsin onasi.  
Tutdandir beshigi, to'kilib kelsin ammasi.  
Jiydadandir beshigi, jikillab kelsin opasi.

O'zbek ustalari o'rik, tut, sada va boshqa daraxtlarining magik ta'siriga ishonch tufayli bolalar beshiklarini, odatda, ana shularning yog'ochidan yasaydilar. Bu fikrni xalq baxshilarining do'mbiralari nisbatan ham aytish mumkin. An'anaviy inonchga ko'ra, bunday beshiklarda ulg'aygan bolalar serfarzand, baxtli, el bahramand bo'ladigan kishilar bo'lib yetishadilar.

Motam marosimida hassakashlar o'z hassasini ramziy ma'noda tayyorlashadi. Ya'ni marhum uvali-juvali kishi bo'lsa, hassa uchun mevali yoki qora tol daraxtidan novda olinadi. Agar marhum hayotdan befarzand o'tgan bo'lsa, hassa terak yoki boshqa mevasiz daraxtdan tayyorlanadi.

Marhum qabrga qo'yilib ko'milgach, hassalarni qabr boshiga (ba'zan atrofiga) suqib ekish odati asosida ham ma'lum mifologik tasavvur-tushunchalar yotadi. Go'yo shunday qilinsa, marhum ruhi shu hassalardan biriga ko'chib, qayta tiriladi deya tasavvur qilinadi. Shu o'rinda qadimgi insonlarning "hayot daraxti", "umr daraxti" haqidagi mifologik qarashlari yodga tushadi. Demak, qabrga suqib ekilgan hassalar marhum ruhiga abadiylik baxsh etuvchi, uni qayta tiriltiruvchi hayot daraxtidir. U o'zida abadiy hayotni aks ettiradi.

Hassada hayot mavjudligi g'oyasi xalq epik asarlarida, ayniqsa, afsonalarda yerga suqilgan hassaning qayta unib daraxtga aylanishi motivi shaklida saqlanib qolgan. Jumladan, bu an'anaviy motivga Bahouddin Naqshbandiy nomi bilan bog'liq afsonalarda duch kelish mumkin. Unda aytilishicha, hozirgi paytda Bahouddin Naqshbandiy ziyoratgohida saqlanayotgan katta tut yog'ochi bir vaqtlar aziz avliyoning yerga suqib qo'yilgan hassasidan qayta unib chiqqan daraxt ekan.

Qurigan, ildizsiz, tayoq shaklidagi hassaning qayta ko'karib, daraxtga aylanishi o'ziga xos xayoliy uydirma, badiiy to'qima, epik talqin bo'lib, shu orqali mo'tabar kishilarning ilohiy qudrati mubolag'ali, ta'sirchan qilib bayon etiladi. Hassaga nisbatan xalq e'tiqodi ta'kidlanadi.

Folklorshunos D.O'raeva ta'kidlaganidek, qadimgi insonlarning daraxt totemi, hayot daraxti, umr daraxti bilan bog'liq mifologik qarashlari, daraxtni o'ziga homiy kuch deb anglashi, unga nisbatan magik himoya vositasi deya munosabatda bo'lishi hassaning kelib chiqishiga asos yaratgan [5].

Xalq orasida "hassalar marhum qabriga soya bo'ladi" deb izohlanadi. Bu talqin asosida hassaning daraxtga aylanishi va shu orqali marhum ruhi qayta tirilishi haqidagi ishonch yotadi.

Baxshilar do'mbirasining qulog'i, albatta, archa daraxtidan yasalgan. Archa ham xalq tasavvurida barhayotlik ramzidir. Archaning qishin-yozin bir xilda, yam-yashil tusda turishi, ko'pincha tog'da – yuksaklikda o'sishi odamlarni hayratga solgan. Bu hodisalar sirini angololmagan inson archani sirli, magik qudratga ega deb qarashiga olib kelgan. Archaning yoqimli hidi esa uni yaxshi ruhlar qo'nim topgan manzil deb qarashga olib kelgan. Hatto taom tayyorlashda ham archadan foydalanishgan, bu jarayon hozirgi kunga qadar ham saqlanib kelmoqda. Archaning ko'p yillik daraxt ekanligi xalq qo'shiqlarida ham e'tirof etilgani kuzatiladi:

Tog'da archa ming yil umr ko'rarmi,  
Shoxi sinsa zargar ko'mir qilarmi.  
Zargarning bilgani archa bo'larmi,  
Bilib bergan ko'ngil judo bo'larmi.

Qadimdan archa daraxti ko'miri eng yaxshi pista ko'mir hisoblangan. Qo'shiqda shu hayotiy voqeikka urg'u qaratilmoqda.

Yevropa xalqlari yangi yilda, albatta, archani uylariga olib kelib, uni turli yaltiroq bezaklar bilan bezatishadi. Archa kirgan uyga qut kiradi, deb qarashadi. Demak, archa bilan bog'liq e'tiqodiy qarashlar xalqimizga ham xosdir. Jumladan, baxshilarning "Do'mbiram" termalarida, odatda, do'mbira cholg'u asbobining mevali daraxtdan yasalishiga, uning qulog'i esa qattiq va chidamli bo'lgan archa yog'ochidan tayyorlanishiga e'tibor qaratiladi:

**Bo'yog'ing zardolu, qopqog'ing tutdan,**

Ulfating bor yurtdan bo'lgan, do'mbiram.

Seni menga qilib bergan ustakam,

Yelim minan qilgan ekan mustahkam,

Chertganda berasan bulbulday muqom,

Tovushim qanoti bo'lgan, do'mbiram.

**Bo'yog'ing zardolu, qulog'ing archa,**

Chuldirab so'ylasang bu fayzli kecha,

Orqangdan ergashar xaloyiq necha,

Katta mening siyim bo'lgan, do'mbiram [4].

Xalqning daraxtlarga nisbatan e'tiqodiy munosabati maqol va topishmoqlar orqali ham seziladi. Jumladan, daraxtlar haqida yaratilgan maqollarda shunday o'gitlar ilgari suriladi: "Payti kelsa daraxt gullar", "Yolg'iz daraxt o'rmon bo'lmas, Yolg'iz yog'och pana bo'lmas", "Daraxt bir joyda ko'karar", "Daraxt yaprog'i bilan ko'rkam, Odam – mehnati bilan", "Daraxt– havodan, odam – mehnatdan", "Daraxtni – mevasi, otni – siynasi, odamni mehnati bezaydi", "Do'lanani ko'rganda tog' esingdan chiqmasin". Ko'rinyaptiki, bu maqollarda daraxt va inson obrazlari o'zaro parallellikda talqin etilmoqda.

Xullas, xalqimiz orasida uzoq zamonlardan beri daraxtlar bilan aloqador tushunchalar, an'analar saqlanib kelayotir. Ular qadimiyligi, an'anaviyligi, o'zida turli inonch-e'tiqodlarga oid dalillarni saqlab qolganligi bilan ilmiy-estetik ahamiyat kasb etadi. Ularda daraxtlar timsoli o'ziga xos ramziy ma'no-mazmun tashib keladi.

#### FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR RO'YXATI:

1. Alaviya M. O'zbek xalq marosim qo'shiqlari. – T.: Fan, 1974. – 222 b.
2. Boychechak. Bolalar folklori va mehnat taronalari. To'plovchilar: O.Safarov, K.Ochilov. –Toshkent: Adabiyot va san'at nashriyoti, 1984. – B.13.
3. Jabborov I. O'zbek xalqi etnografiyasi. – T.: O'qituvchi, 1994. – 312 b.
4. Ўзбек халқ оғзаки ижоди. Хрестоматия. – Т.: Алоқачи, 2008.
5. Ўраева Д. Ўзбек мотам маросими фольклори. – Т.: Фан, 2004. – 120 б.

UDC 81-139

## TO THE QUESTION OF THE RELATIONSHIP OF PHONOSTILISTIC MEANS AND PHONOSTILISTIC UNITS

*K.O. Saparova, DSc, prof., UzSWLU, Tashkent*

**Аннотация.** Мазкур мақола фоностилистик воситалар ва фоностилистик бирликлар ўртасидаги муносабатларни таҳлил қилади. Мақолада фоностилистик воситалар ва фоностилистик бирликлар ўртасидаги муносабатларнинг назарий асослари ёритилади. Мақола фоностилистик воситалар ва фоностилистик бирликларнинг турлари ва ўзига хос хусусиятларини ёритиб беради. Мақолада рус ва ўзбек тилларида стилистик бўёқдорликка эга сўз ва ибораларнинг фоностили унли ва ундош товушларда фонетик ўзгаришлар ва функцияси бўйича фарқ қилиши алоҳида таъкидланади.

**Калит сўзлар:** фоностилистик воситалар, фоностилистик бирликлар, фоностилистика, фоностил, стилистик бўёқдорлик, фонетик ўзгаришлар.

**Аннотация.** В данной статье рассматриваются отношения между фоностилистическими средствами и фоностилистическими единицами. В статье освещаются теоретические основы релевантности фоностилистических средств и единиц фоностилистики. Описаны типы фоностилистических средств и единиц и раскрыты их особенности. В статье подчеркивается, что в русском и узбекском литературных языках есть фоноварианты слов и фраз, которые имеют стилистически окрашенную функцию и различаются по фонетическим модификациям в области гласных и согласных.

**Ключевые слова:** фоностилистические средства, фоностилистические единицы, фоностилистика, фоностил, стилистическая окраска, фонетические модификации.

**Abstract.** This article discusses the relationships between phonostylistic means and units of phonostylistics. It gives a theoretical basis of the relations between phonostylistic means and units of phonostylistics. It describes types of phonostylistic means and units and reveals their specific features. It is emphasized in the article that in Russian and Uzbek literary languages, phonostyles of words and phrases which are stylistically colored function and differ in phonetic modifications in the field of vowels and consonants.

**Key words:** phonostylistic means, phonostylistic units, phonostylistics, phonostyles, stylistic colors, phonetic modifications.

**Phonostylistic units** are variant units of a language that differ in pronunciation and stylistic coloring, i.e. phono-variants of language units. Phonostylistic units should be distinguished from phonostylistic means.

**Phonostylistic means** are differentiators of phonostylistic units, or phonostyle. If phonostylistic units are involved in creating a common stylistic coloring of a statement or speech, then phonostylistic means act as a stylistic marker phonostyle. The study of specific phonostylistic means is interdependent on the problem of the stylistic distribution of linguistic units in speech.

Phonostyles can be considered, first of all, **phono-variants of words and phrases (both pronunciation, accent, syngarmonic, tonal), as well as types of intonation structures, etc. prosodic units at the level of utterance and the text as a whole.** As phonostylistic means, only segment and super-segment units of the language and their properties should be considered, which contribute to the formation of pronunciation variants of words and phrases, syntagma, phrases ... For example, the following passage from the poem of A.S. Pushkin's "I have erected a monument to myself without hands" is pronounced with a special phatic created by the pronunciation of the word дикий in compliance with the high standards of literary pronunciation: